



“XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО”

Республика илмий-назарий анжумани материаллари

2016 йил 4-5 апрель



Бухоро – 2016

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ КАФЕДРАСИ

“XIX АСР ОХИРИ - XX АСР
БОШЛАРИДА БУХОРО”

Республика илмий-назарий анжумани материаллари

2016 йил 4-5 апрель

Бухоро -- 2016

Мазкур газеталар кичка мудлатда чиккан бўлсади, уларда ўша давр ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаёти ёритилган бўлиб, шубҳасиз, у ўша даврдаги ҳадидчилик ҳаракати тарихини ва унинг мафкурасини ўрганишда катта роль ўйнайди.

XIX-аср Охири - XX-аср бошларида Афғонистондаги Бухоро муҳожирлиги тарихидан

Эргашев Ж.Ю. - БухДУ, мунтаҳир

Кўшни Афғонистон давлати ва ҳозирги Эрон Ислом Республикасида бир қатор вилоят ва ҳудудларда азалдан ўзбек халқи туб аҳоли сифатида яшаб келган. Тарихий адабиётларда “Жанубий Туркистон” ёхуд “Чор вилоят” номи билан аталган Шимолий Афғонистоннинг туб жой ўзбеклари Амударё қирғоқидаги ўзбеклар билан қон-қариндошчилик ва қудо-андошчилик муносабатларида бўлганлар.

Шарқшунос олимларнинг таъкидича, ҳозирда Афғонистон ҳудудида истиқомат қилаётган ўзбек ва туркманлар тарихнинг уч босқичида, яъни VIII асрда Шимолий Афғонистонга туркий қавмлардан қарлуқлар келиб жойлашган. Иккинчи босқич XIV-XV асрлар чегарасида содир бўлган. Учинчи босқичда XVI асрда Шайбонийхон билан бирга Дашти Қипчоқдан келган қатагон, минг, сарой, дўрмон қабилалари кўчган.¹ Юқоридаги фикрлар Афғонистон тубжой ўзбекларига тегишли бўлиб, ҳозирги Марказий Осиё ҳудудидан Афғонистонга кўчиб ўтган ўзбеклар муҳожир ўзбеклар ҳисобланади. Демак, Афғонистон ўзбекларини икки қисмга бўламиз.

Биринчи: тубжой (махаллий) ўзбеклар, иккинчи: Бухоро амирлиги ҳамда Ғарбий Туркистон мингақасидан кўчиб ўтган ўзбеклар. Бухоро амирлиги ярим мустамлакага айлантирилгандан сўнг (1868 йил 23 июнь) амирликдан кўч сонли ўзбек, туркман, тожик халқи вакиллари Афғонистонга ўтиб кетишди. 1892 йил 12 августда Карки ҳарбий горнизони бошлигининг маълумотида Саидназархон бухоролик ўзбек эканлиги таъкидланади. Шунингдек, 1880-1881 йилларда Амир Абдурахмоннинг энг яқин кўмондонларидан бири полковник губернаторлиги ҳудудидан харбий кўшн билан Афғонистонга кўриб келди. Амир Абдурахмон билан бирга бир қатор бухоролик ва туркистонлик уламолар ҳамда мусофирлар билан Афғонистонга ўтиб кетдилар. Чунки, Россия империяси Амир Абдурахмонга тахтга чиқишга ёрдам берди, уш маблаг ва аскар билан таъминлайди. Айни ўша йилларда Амир Абдурахмонга тарвадорлар ҳам керак эди. Амир Абдурахмоннинг вазир аъломи 21 йил давомида туркистонлик уламо ва алломо Саид Акрамхон Тўра бўлган.²

Шунингдек, Саид Махмудхон Тўра, Уста Муҳаммад Амин синари ўзбеклар вазир аълам, ноиб Саид Акрамхон Тўра ҳомийлигида Амир Абдурахмон ва Ҳабибуллохонлардан марҳаматлар кўришган.³

¹ Ҳожимбеков Х. Узбеки Северного Афганистана. -М; 1994.-С.9.
² Қарағ: Муҳаммад Али. Абдий соғинчлар (Роман-хроника). Т.: “Аристон” жамғармаси”, нашриёти.2005.-Б.18-25.

Муҳожирликка мажбур бўлган ўзбеклар Шимолий Афғонистоннинг Банх, Кундуз, Шибаргон, Андхуй, Маймана, Беглон, Сарипуд, Оқча, Муқр каби ҳудудларга келиб жойлашганлар. XIX асрнинг охирида Маймана ва унинг атрофларида ўзбеклардан тахминан 5 минг оила, Сарипудда 4 минг оила, Андхуй атрофларида 3300 оила, Шибаргон ва унинг атрофларида 3500 оила, Муқри туманида 1000 оила истиқомат қилган.¹

Бу кўп сонли ўзбек оилалари ижтимоий қатлами турлича бўлиб, улар уламо, саид, хўжа, тижоратчи, деҳқон, чорвадор, хунараманд қабиларни ташкил қилган. Ўзбеклар асосан кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланиб ўрта ҳол табақа вакилларини ташкил қилган.

Бухоро амирлигидан Россия империяси мустамлакаси даврида Афғонистонга ўтган туркманлар асосан чорвачилик билан шуғулланиб, Шимолий Афғонистонда қоракўлчилик яъни қоракўл терилар етказишга эътибор қаратишган. Афғон амирлари Бухоро муҳожирларига эркин яшаш ва хўжалик юритиш мақсадида доимо ҳам яхши шарт-шароит яратиб беришмаган. Масалан, Амир Абдурахмон 1884-1886 йилларда 18 минг пуштун оиласини “тушгулаштириш” сиёсатини амалга ошириш мақсадида ўзбек ва туркманлар яшайдиган ҳудудларга кўчарди. Шунингдек, 12 минг ўзбек оиласини Кобул ва Қандаҳорга бадалга қилди. Ҳолбуки, Амир Абдурахмон армиясида асли келиб чикиши Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона водийсидан бўлган 2500 нафар ўзбек ва тожик йигитлари сарбоз бўлишган. XIX асрнинг охирида биргина Афғонистон пойтахти Кобул шаҳрида Тошкент, Самарқанд, Кўкон, Андижон, Маргилон шаҳарларидан бориб қолган 2500 ўзбек оиласи яшаганлигини қайд этиш мумкин.²

Бухоро амирлиги ҳудудидаги беқликлардан кўшни Афғонистон мамлакатига XX аср бошларида муҳожирликка ўтиш оммавий ва яқка тартибда давом этган. Унинг асосий омиллари амирликдаги халқ кўзгаслонлари оқибатида аҳолининг хонавайрон бўлиши, уй-жой, мол-мулкдан ажралиши, кўшимча солиқларнинг солиниши, зулм ва зуравонлик, икки томонлама мустамлака сиёсати қабилар бўлган эди. Бундан ташқари, Афғонистон ҳукумати ўзи томонига қочиб ўтганларга ер ва яйловлар бериб ташландик жойларни ўзлаштирса, ундайларни 5 йил давомида ҳар қандай солиқлардан озод қилган. Айниқса, 1912-1916 йилларда амирликнинг Германия, Қобалиён беқликларида Афғонистон ҳудудларига юзлаб оилалар кўчиб ўтган. Бу эса амир мазмурлари ҳамда рус чегара қўриқчиларини ташвишга солган эди.³

Хуллас, XIX аср охири - XX аср бошларида амирликнинг турли беқликларида Афғонистон вилоятларига кўчиб ўтган минглаб ўзбек, тожик, туркман оилалар истиқомат қилар эди. Улар хўжаликнинг турли соҳалари билан шуғулланиб, Афғонистон сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим роль ўйнаганлигини тарихий ҳужжатлар тасдиқлайди.

¹ Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи (1917-1991 йиллар). Т.: АБУ МАТВУОТ KONSALT.2008.-Б.27.

² Ориф Усмон. Хуросон ўзбеклари. // Мулоқот; 1991 №3.-Б.45.

³ Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи (1917-1991 йиллар). Т.: АБУ МАТВУОТ KONSALT.2008.-Б.29.